

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 228 (10.533)

2005 ЙИЛ 23 НОЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 22 ноябрь куни Оқсаройда Немис иқтисодиётининг шарқий кўмитаси (ГФР) бошқаруви раиси, «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқарувининг маслаҳатчиси Клаус Мангольдни қабул қилди.

— Сизни нафақат Немис иқтисодиётининг шарқий кўмитаси бошқаруви раиси, балки Ўзбекистон-Германия муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислоҳ Каримов. — Ўзаро иқтисодий алоқаларни тараққий эттиришда сиз раҳбарлик қилаётган кўмитанинг ҳам салмоқли ўрни бор.

1952 йилда ташкил этилган мазкур кўмита Германиянинг етакчи иқтисодий уюшмаларини бирлаштиради. Бугунги кунда унинг таркибиде бир минг беш юздан зиёд компания ва корхона бор. Кўмита Германиянинг Марказий Осиё, Россия, Кавказ, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашувчи органдир.

Ўртимизда К.Мангольд раҳбарлигидаги германиялик ишбилармонларнинг катта делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Ташриф асосида Ўзбекистон билан Германия ўртасида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, саноат инфратузилмаси, нефть-газ, электроника ва ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг мартада Боннда молиявий-техникавий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳуқуқматларо музока-

ралар бўлиб ўтди. Апрель ойда Тошкентда Савдо ва сарможа бўйича Ўзбекистон-Германия ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Октябрь ойда эса Дрезденда «Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» ташкил этилди.

2004 йилда давлатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 320 миллион АҚШ долларидан ошган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 240 миллион долларга тенглашди.

Ўртимизда Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 141 кўшама корхона фаолият кўрсатмоқда. ГФРнинг 54 фирма ва компанияси, жумладан, «Сименс», «Алкатель», «Даймлер Крайслер АГ», «Люфтганза» Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. Мамлакатимизда Германия компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилган, ижро этилаётган ва режалаштирилаётган кўшама лойиҳалар сони юздан ошади. Уларнинг молиявий қиймати салкам 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг.

К.Мангольд самимий қабул учун Президентимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдириб, савдо-иқтисодий ва сарможий соҳадаги Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Р.С.АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 ноябрь

НУФУЗЛИ АНЖУМАН

Мамлакатимизда Немис иқтисодиётининг шарқий кўмитаси (ГФР) бошқаруви раиси, «Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқарувининг маслаҳатчиси Клаус Мангольд раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси меҳмон бўлиб турибди.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.

Германия Ўзбекистоннинг яқин иқтисодий ҳамкорларидан. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўлами кенг. Томонлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида мунтазам равишда анжуманлар ўтказиб келмоқда.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани ва мазкур бизнес-форум янги-янги имкониятларни очишга хизмат қилиши таъкидланди.

Бизнес-форумда германиялик ишбилармонларга Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг асосий жиҳатлари ва сарможа жалб қилишдаги устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнлари, ахборот технологиялари соҳасидаги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Бизнес-форум якунида тадбиркорлар ўзаро икки томонлама музокаралар ўтказдилар.

ЎЗА

XXI саҳоси

Барча маълумотлар
онлайн сўғири хабарлар

Мамлакатимизда

- Кеча Россия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши, Россия Нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгаши раиси Юрий Шафраник бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.
- Тошкентда Марказий Осиё ва Мўғулистонда тузни сифатли йодлаштириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади.
- Тошкентда республикадаги йирик корхоналар раҳбарлари учун «Атроф-муҳит» бошқариш тизимига талаблар» мавзусида бир ҳафталик ўқув семинари давом этмоқда.
- Дангара туманида нефть, газ ва кимё саноати учун зарур бўлган махсус ўрама қопламалар ишлаб чиқаришга иҳтисослашган «Rubber industries -Plus» кичик корхонаси иш бошлади. Россиянинг «Инпром» масъулияти чекланган жамияти кўмаги билан корхонага энг замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.
- Қўнғирот туманидаги «Темирийўлчилар» спорт мажмуида «Камолот» ЕИХ ташаббуси билан «Биз гийёандлик ва ОИТСга қаршимиз» шиори остида тадбир ўтказилди.
- Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати билан маълум қилишча, Ўзбекистонда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари харбий контингентининг «Хонобод» авиабазасида бўлишининг тугаши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Дар кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўзларда

- **МИРОБОД** туман ҳокимлигида Воёга етмаганлар ишлари бўйича ташкил этилган комиссия йиғилиши ўтказилиб, унда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳоллари кўпайишининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.
- **КЕЧА** «Камолот» ЕИХ Учтепа туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан маҳаллаларни ободонлаштириш мақсадида ёшлар иштирокида ҳазон йиғиш акцияси ташкил этилди.
- **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги 289-мактабда «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Соғлигингиз — ўз кўлингизда» деб номланди.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов маърузаси бўйича депутатлар палаталар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузилган келишув комиссияси томонидан тақлиф этилган таҳрирдаги «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунни тақлиф этилган таҳрирда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган савол-

жавоблар ва муҳокамадан кейин Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 110, 111, 133 ва 135-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар қонун лойиҳасининг барча моддаларини батафсил кўриб чиқдилар ҳамда муҳокама жараёнида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Қонунни қабул қилдилар.

Қўн тартибига киритилган масалалардан ташқари қишки мавсумда аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала ҳам кўтарилди. Жойларда мазкур масала ўрганиб чиқилгандан кейин палата мажлисида уни ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари иштирокида кўриб чиқиш учун тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

ЎЗА

Жаҳонда

- Грузия парламенти мамлакатнинг келгусида МДХ таркибиде қолиш-қолмаслиги масаласини кўриб чиқиши боғлиқ ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.
- Марказий Америка минтақасида табиий офат юз берди. Атлантика океанининг Гондурас соҳилларида «Гамма» тўфонининг хуружи оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди, 13 киши бедарак йўқолди.
- Германияда кучли қор ёғиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, мамлакатнинг бош автотрассаларидаги ҳаракат деярли издан чиқди, кўплаб автотўқнашувлар юз берди. Германия шарқий қисмининг айрим ҳудудларида қор қатлами 15 сантиметрга етди.
- АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Эверхард музейидан Жексон Поллак томонидан ишланган нархи 11,6 миллион доллар бўлган ноёб сурат ўғирлаб кетилди. Жиноят юзасидан текширувлар бошлаб юборилди.

**Транспорт
САРҲИСОБ ВА
РЕЖАЛАР**

“Тошкент шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш мажмуаси”нинг навбатдаги йиғилиши 9 ойлик иш натижаларига бағишланди. Унда шаҳар йўловчи ва юк ташиш корхоналарининг шу вақт ичида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди.

“Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компанияси учун ҳам бу давр жиддий синов бўлди. Ҳисобот даврида компания ва унинг таркибидаги корхоналар аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда қатор ютуқларга эришдилар. Бу орада белгиланган режа ортиги билан бажарилди. Шаҳар ичида йўловчи ташиш ҳажми эса 101,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Транспорт хизмати маданиятини оширишга эътибор қаратилди.

Ақбар АЛИЕВ



Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг Юнусобод туманидаги ижросига бағишланган семинар-йиғилиш “Туркистон” саройида бўлиб ўтди.

Фармон ва ижро

**ТАДБИРКОРЛАР
МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ**

Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман ҳудудий комиссияси ҳамкорликда ташкил этган тадбирда туманда фаолият юритаётган 700 нафарга яқин кичик корхона, фирма ҳамда хусусий бизнес субъектлари ва назорат органлари раҳбарлари иштирок этди.

— Президентимизнинг юқоридаги Фармони ҳам тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кўчатириш мақсадини ўз ичига олганлиги билан эътиборли, — деди семинар-йиғилишни очар экан туман ҳокими ҳудудий комиссия раиси Қобул Фармонов.

— Эңдликдаги асосий вазифамиз, туманимиз иқтисодиётини юксалтириш бўлиб, бунинг учун ишлайман, деган барча тадбиркорларга етарлича шарт-шароитлар яратилган. Ўз навбатида ҳудудий комиссия ҳам тадбиркорлар учун янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан тушунтириш ишларини



олиб боради, назорат органларининг мутасаддилари, етакчи мутахассислари билан давра суҳбатлари, юзма-юз учрашувлар, семинар-йиғилишлар, мулоқотлар уюштиришга, кўмаклашишга тайёрмиз.

Семинарда, жумладан, Ўртбошимизнинг юқоридаги Фармонлари юзасидан назорат органлари раҳбарлари, етук мутахассислар чўқур мулоҳазали фикрлар, ўринли тақлифлар билдиришди ҳамда тадбиркорларни қизиқтирган саволларга тўлиқ, атрофлича жавоб қайтаришди.

Тадбир давомида назорат органлари ҳамда тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, бу келгусида ўз самарасини, албатта беради.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: “Туркистон”
саройида бўлиб ўтган семинар-йиғилишдан лавҳалар.**
**Тоҳир Ниғматуллин
олган суратлар.**

**2005 — Сухайт-
саломатлик йили**
**СТОМАТОЛОГЛАР
СЪЕЗДИ**

Ўзбек Миллий академик драма театрида республикамиз стоматологларининг V съезди очилди. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга Марказий Осиё давлатлари, Россия, Озарбойжон, Жанубий Корея, Туркия, Германия ва Исроилдан келган мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

Съездда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастури доирасида тиббиётнинг бошқа йўналишлари сингари стоматология соҳаси ҳам тобора ривожланиб, тизимда касалликларнинг олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган самарали усул ва воситалардан кенг фойдаланилаётир.

— Тошкент Тиббиёт академияси ушбу йўналишда мутахассислар тайёрловчи етакчи таълим муассасаси ҳисобланади, — деди мазкур академиянинг терапевтик стоматология кафедраси мудири Т.Сафаров. — Унда стоматология факультети ташкил этилганидан буён ўтган қарийб эллик йил мобайнида ўн минг нафардан кўпроқ стоматолог тайёрланди. Улар ҳозирги кунда юртимизнинг турли ҳудудларидаги шифо муассасаларида халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келяпти.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида стоматология соҳасидаги ютуқ ва муаммолар, тиш касалликларининг олдини олиш ва даволашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш, тизимда хусусий тармоқни янада такомиллаштириш, қишлоқ жойларда стоматология хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тинглайдилар.

Тадбир доирасида мамлакатимиз ва хориж фармацевтика компаниялари дори-дармонлари ва стоматологик асбоб-ускуналари кўرғазмаси ташкил этилди.

ЎЗА

Ўзга мамлакатнинг сиёсатига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва ўзаро манфаатлар устуворлиги меъёrlарини сақлаш тамойилларига изчил амал қилганимиз боис БМТ ва унинг нуфузли халқаро ташкилотлари, жаҳоннинг ривожланган ва тақомил босқичларидан жадал келаётган мамлакатлари аста-секин Ўрта Осиё ҳудудидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга давлат Ўзбекистон билан ҳисоблаша бошлашди.

Тўғрироғи, Ўзбекистондаги табиий ер ости ва ер усти бойликлари, хомашё ресурсларининг сероблиги, электр энергия манбаси, жуғрофий жойлашуви, маънавий-маданий меросга содиқлик, иқтисодий ишлаб чиқариш учун кенг имкониётларнинг мавжудлиги минтақадаги мавқеимизни оширди. Шунинг баробарида хавфсизлигимиз ҳақида жиддий ўйлашни заруратга айлантди. Ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон учун муҳим стратегик ва хавфсизлигимизни мустаҳкамловчи ҳамкор Россия Федерациясидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаси халқро ҳаётда катта воқеа бўлди.

Авалло, 2004 йил июн ойида Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик шартномаси мазкур учрашувда расман тасдиғини топди. Иккинчидан, икки томон-

лама ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқалар ишончли асосда такомиллаштирилиб, Қуролли Кучларимизнинг сазоҳияти тинчлик йўлида мустаҳкамланади.

Учинчидан, мазкур шартномага биноан Россия халқаро ҳуқуқнинг меъёри, таъмил ва қондаларига мувофиқ Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлигини таъминлаш йўлида асосий ҳамкоримиз бўлади.

“хуружи”нинг ошиши, бизга мустаҳкам хавфсизлик ҳамкор зарурлигидан далолатдир.

Иккинчидан, БМТ ва унинг халқаро ташкилотлари бир мамлакат манфаатларини инкор этиш ҳисобида бошқа бир давлатнинг қизиқлашини қўллаб-қувватлаш йўлини тутта бошлаган бир паллада, дунёнинг ривожланган давлатлари икки хил стандарт, икки хил ўйин усу-

Бугунги кунда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ ҳўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сотик, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Юртимизда Россия сармоясини иштирокида тузилган 400 дан ортиқ қўшма корхона озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, машинаасозлик саноати каби кўплаб соҳаларда фаолият юритмоқда. Россияда эса Ўзбекистон сармоясини иштирокида тузилган 267 қўшма корхона ишламоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошиб қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Мутахассисларнинг таъкидлашича жорий йил якунига кўра ўзаро савдо ҳажми 2 миллиард доллардан ошади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган иттифоқчилик шартномаси моҳиятида стратегик шерикчилик, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, мустаҳкамлаш йўлидаги ҳарбий ҳамкорлик, иқтисодий-молиявий, транспорт, савдо-сотик сармоялар асосида қўшма корхоналарни кўпайтириш, пировад натижада, Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини яхшилаш мужассамланган.

Бундай ҳамкорлик ва манфаатлар уйғунлигини фақат қутлаш керак, холос.

**Алоуддин ҒАҒҒОРОВ,
“Туркистон-пресс”**

Ўзбекистон-Россия

**ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА
МИЛЛИЙ МАНФААТ ЙЎЛИДА**

Истиклолнинг илк кунидан ўзаро тенг ҳуқуқлик асосида миллий давлатчилик манфаатларини устувор тутган ҳолда суверен Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг барча мамлакатлари билан дўстона муносабатларни ўрнатишга тайёр эканини очик, ошкор айта бошлади. Бу ташки ва ички сиёсатимиз, амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларимиз жараёнининг мағз-мағзига сингдирилди.

Сир эмаски, мустақил сиёсатимиз, осовийшта ва тинч ҳаётимиз, ўзаро аҳил, иноқ мамлакат аҳолисининг хотиржамлигини кўра олмайдиган, ҳудудимиздаги табиий ва маданий бойликларимизга “шерик” чиқиб, ўзининг стратегик мавқеини мустаҳкамлашга уринаётган кучлар аста-секин турли йўл, усул ва “ўйин”лар билан ҳаракат қилмоқда. Афғонистонда ҳали-ҳануз ечимини топа олмаётган кўпгина муаммолар, янги ҳукуматнинг ноизчил ҳатти-ҳаракати, “Толубон”, “Ал-қоида” каби террористик оқимлар фаолиятининг секин-аста жонланаётгани, нарқобизнеснинг янада кучайиши, қўшни давлатлар орқали мамлакатимизга

лида ҳаракат қилиб, асл мақсад-моҳиятини кўрсатаётган вақтда Россия давлати бизга хавфсизлигимизни ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий, ҳам молиявий, ҳам маънавий томондан мустаҳкамлашга ҳамкор бўла олади.

Россия Федерацияси билан иттифоқчилик шартномасини собиқ шўро давридаги иттифоқ билан тенглаштирадиганлар ҳам топилади. Бу гапларнинг ҳаммаси сароб. Чунки Россия ва Ўзбекистон ўз Конституцияси, Қонун ва меъёрий ҳужжатларига эга бўлган, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларини мустақил тарзда хал эга оладиган, ўзаро тенг ҳуқуқлик асосида муносабатга киришадиган суверен давлат.

Хитойнинг қадимий пойтахти — Сиань шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти котибияти, Хитой тараққиёт банки, ЭСКАТО ташаббуси ҳамда Бюро Осие форуми, БМТ Тараққиёт дастури, Сиань халқ ҳукумати кўмағида ташкил этилган биринчи Евроосиё иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

СИАНДА ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН

Анжуман Хитой билан Марказий Осие ва Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоя, транспорт-коммуникация, ёқилги-энергетика, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ва кучайтиришга кўмаклашишни кўзда тутилган. Учасувада Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Украина, Монголия, Покистон, Хиндистон, Эрон, Непал, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа мамлакатлар, қатор халқаро ташкилотлар, молия-банк тузилмаларининг вакиллари иштирок этди. Унда савдо, сармоя, транспорт, энергетика ва сайёҳлик борасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Евроосиё иқтисодий форумини Умумхитой халқ вакиллари йигини доимий кўмитасининг раиси У Банго очди. У мазкур минтақа табиий захираларга жуда бой эканлигини, улкан бозор салоҳиятига, турфа хил бой маданиятга эга эканини таъкидлади.

Анжуманда ўзаро келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суратини тезлаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш минтақанинг барча мамлакатлари олдига турган асосий вазифа экани таъкидланди. Минтақа ва минтақалараро микроскопда ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтиришда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўрни ва аҳамияти алоҳида экани қайд этилди.

Россия Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Д. Мезенцев ушбу форумнинг ўтказилиши Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг истиқболи порлок эканидан далolat беришини айтди. Шу ўринда ШХТ доирасида қабул қилинган Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури, ташкилотнинг Тараққиёт ҳам-гармаси ҳамда ишчи кенгашини тузиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Форум доирасида Хитой томони мазкур мамлакат билан Марказий Осие давлатлари ҳамда Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва айнаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар изчил ривожлантиришга иштирокчилар эътиборини қаратди. Хусусан, ХРП Давлат кенгаши ҳузуридаги Тараққиёт муаммоларини тадқиқ қилиш марказининг таъкид иқтисодий тадқиқотлар бўлими бошлиғи Чжао Цзяньлин ШХТ минтақа микроскопдаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан имкониятларга эга эканини таъкидлади.

Анжуман доирасида сайёҳлик, энергетика ва молия соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган мажлислар ҳамда шахарлар ҳокимлари иштирокидаги давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси

Президент Ислам Каримовнинг шу йил 2 сентябрда қабул қилган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» қарорига асосан жойларда ёшларни армияга кузатиш ҳамда хизматни ўтаб бўлган ёшларни тантанали кутиб олиш шароитлари қизгин давом этмоқда.

Тошкент темирйўл вокзалида ана шундай чегарачи-аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Юртимизнинг жанубий сарҳадларини мардонвор қўриқлаб, ўзининг Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаган йигитлари Мудрофа вазирилги, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси ходимлари, отаналар ва жамоатчилик вакиллари қарнай-сурнай садолари остида кутиб олди.

Тадбир сўзга чиққанлар мамлакатимизда бугун ҳарбий хизмат шарафли бурча айланганини алоҳида таъкидлашди. Армиямизда олиб борилаётган ислохотлар, унинг профессионаллашуви, ҳукуматининг томонидан ҳарбийларга кўрсатилаётган гамхўрлик ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишини оширмоқда. Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 19 апрелида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши олий ҳарбий таълим сифатини мутлақо янги босқинга кўтаришга хизмат қилмоқда. Унга биноан ҳарбий бил-им юртлирига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланди.

— Авваллари фарзандларимизни узок ўлкаларга ҳарбий хизматга кузатиб, қайтишини минг бир хавотир билан кутардик, — дейди Қибрай тумани Арғин қишлоғида яшовчи Мавжуда опа Ҳожиева. — Истиқлол туфайли бугун болаларимиз, худди уйимизда юрган-

дек, ўз ортимизда, яхши шарт-шароитларда ҳарбий хизматни ўтамоқда.

Бундан бир йил муқаддам ўғлимиз Комилжонни ҳарбий қасамдб қабул қилиш маросимига боргандим. Мана, бир йил ўтиб, у яна бағримизни тўлдириб турибди. Мен мард ва жасур чегарачи-аскарнинг онаси эканидан фахрланаман.

Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муддатли хизматдан қайтган ёшларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Қарорда белгиланганидек, бундай фуқаролар республика олий ўқув юртлирига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи микродорада қўшимча балл олиш имтиёзига эга бўлади. Бундан ташқари, ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов доимосида (тест синови) керакли балли тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишининг педагогика, қишлоқ ҳўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Чегара қўшинларида ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаган Марат Умароҳунов ҳозирданок олийгоҳга кириш тарадудини кўрмоқда. Чегарачи-аскар зиммасига юкланган барча ҳарбий топириқ ва вазифаларни шараф билан удралаб, командирлари ишончини оқлади ва ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсиясига эга бўлди. Келажакда у Тошкент Олий умумқўш-ин кўмондонлик билим юртига ўқишга кириб, ҳарбийликни бир умрлик касбга айлантирмоқчи.

Н.ОЧИЛОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИЖРОЯ ҲОКИМИЯТ ҲАМКОРЛИГИ

Тошкентда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва «MOST» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқариши масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Иқтисодий ва Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирилари, «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ вакиллари, шунингдек, дастурга киритилган ва унда иштирок этиш истагида бўлган корхоналар мутахассислари иштирок этишди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2004 йил 1 январдан эътиборан маҳаллийлаштириш дастури томонидан тасдиқланган лойиҳалар амалга ошириладиган корхоналар, четдан келтириладиган технология асбоб-ускуналари, уларга қўшимча қисмлар ҳамда мам-

лакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган аммо технология жараёнида фойдаланиладиган материалларга тўланадиган божжона тўловларидан 5 йил муддатга озод қилинганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари, қоридида айтиб ўтилган корхоналар томонидан маҳаллийлаштириш дастури доирасида махсуслот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича даромад солиғидан ҳамда маҳаллийлаштириладиган махсуслотни ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш фондининг асосий қисмидан тўланадиган мулк солиқидан озод этилади.

2004-2005 йилларда маҳаллийлаштириш дастурига 30 та лойиҳани амалга ошириш бўйича қирққа яқин корхоналар киритилган.

«Туркистон-пресс»

Маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилган ҳўжалик субъектлари вакиллари, ҳозирги вақтда республикамиз қонунчилигида ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантиришга ҳалал берадиган қатор жиҳатлар мавжудлигини айтди. Уларнинг орасида импорт қилинаётган махсуслотлар, шунингдек бутловчи қисмларнинг узок вақт экспортездан ўтказилиши, кўпинча «Ўзэкспертиза» очик турдаги акциядорлик жамияти ва божжона лабораториялари, солиққа тортиш борасидаги стандартларга мувофиқ келмаслиқ ҳоллари қайд этилди.

Вазирликлар ва идоралар вакиллари бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш зарур эканини эътироф этишди. Улар семинар натижалари бўйича баён-

нома тузишни таклиф этишди. Мазкур ҳўжатга маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни бошқариш бўйича махсус комиссияга тақдим этиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барча эътироз ва таклифлари киритилди.

ривожлантириш — биохилма хилликни асрашнинг муҳим омил» мавзига бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилги, Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Биологик хилма-хилликни назорат қилиш давлат инспекцияси, ўрмон ва овчилик ҳўжаликлари мутахассислари, олимлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Сурхондарё вилояти Жарқўрган туманидаги Октепа табиат боғи бундан икки йил аввал юртимизда алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар майдонини

кенгайтириш мақсадида ташкил этилган эди, — деди мазкур тузилма бош мутахассиси Абдусалом Норматов ЎЗА мухбирига. — Ўтган йилги Жаҳон ёввойи табиатни асраш фонди билан биргаликда минтақамизда экологик ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар ўтказдик.

Бухоро бугуси, жайрон ва бошқа кўчиб юрувчи ноёб жониворлар, йўқолиш хавфи остида турган ўсимлик турларини муҳофазалаш борасида ҳамкорликни кенгайтирмоқчимиз.

Семинарда юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш, табиатни муҳофазалаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш йўлида амалга ошириладиган ишлар, ҳаётга татбиқ этиладиган халқаро ва маҳаллий лойиҳалар, ўрмонзорларни кўпайтириш, қўриқланадиган худудлар майдонини кенгайтириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Тиббиёт

МАХСУС СОН

Кўп нусхали газета ҳисобланмиш «Тиббиётнома» Тошкент тиббиёт академиясининг матбуот нашри сифатида чоп этилмоқда. Унинг саҳифаларида бу олий ўқув юрти ҳаёти, амалга оширилаётган таълимий тадбирлар кенг ёритилмоқда.

Газета «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Унинг навбатдаги сонларидан бири ана шу санага бағишланди. «Соғлом авлод — доно авлод» деган умумий сарлавҳа остида ёритилган мақолаларда академия доирасида қилинаётган ишлар ўз ифодасини топди. Олий ўқув юртида уюштирилаётган «Саломатлик соғлом» ларининг талабалар бойлом турмуш тарзини таъминлашда турган ўрни ҳақидаги мақола қизиқиш билан ўқилади.

«Эстафета кимга нима берди?», «Спорт турнирлари», «Спорт майкаларидаги эмблемалар» каби мақолаларда ҳам қатор муҳим масалалар ёрилтиди.

Ушбу сонда сихат-саломатлик мақола доир фотосуратлар, фойдалаи маслалар ҳам берилди.

СОҒЛОМ ЁШЛИККА ДАЪВАТ

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури бўйича қатор саломатлик марказларини очиш кўзда тутилган эди. Республика-миз олий ўқув юртлири, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида эса «Ибн Сино» саломатлик маскани — маърифий марказини ташкил этиш тадбирлари ҳам кўрилди.

Бундай марказлардан бири биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида иш бошлади. Буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини, хусусан улугъ аллома Абу Али ибн Сино таълимотини тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида бу марказ амалий ишлар режасини тузиб олди.

Айни вақтда унинг ҳузурида «Саломатлик сабоқлари» деб номланган клуб ҳам фаолият кўрсатмоқда.

РАМЗИЙ МАЪНО КАСБ ЭТАДИ

Тошкент тиббиёт академиясида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг спорт билан шугулланишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Олий ўқув юрти спортчилари учун махсус спорт либослари келтирилганлиги ҳам айни мuddао бўлди.

Хар бир факультет иштирокчилари, умуман, ҳар бир эстафета гуруҳлари учун тикланган майкаларга эса рамзий маъно касб этган эмблемалар туширилганлиги ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бунда иштирокчиларнинг касб йўналишига эътибор қилинган.

Ректорат ходимлари Ҳумо қўши расми акс этган оқ рангли майкаларда майдонга тушишди. Бургут (лоҳин) тимсоли туширилган майкаларни даволаш факультети вакиллари кийишди. Тиббий педагогика факультети иштирокчиларининг майкаларида китоб чангаллаган бургут тимсоли кўзга ташланади.


Альбина РАДЖАПОВА

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар табиатининг бетакрор бойлигидир. Йўқолиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвон турларини асраш ва кўпайтириш, экотизимлар ва ландшафтлар барқарорлигини сақлашда бундай табиий худудлар майдонини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Жаҳон ёввойи табиатни асраш фонди тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, ўрмон ва овчилик ҳўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётди. Бухоро бугуси, жайрон ва бошқа ноёб ҳайвон ҳамда ўсимлик турларини кўпайтириш, Марказий Осие минтақасида кўчиб юрувчи жонзотларни муҳофазалашга йўналтирилган экологик тармоқ ташкил этиш, мутахассислар малакасини ошириш, биохилма хилликни асраш лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

Пойтахтимизда мазкур халқаро ташкилот ташаббуси билан «Марказий Осие минтақасида экологик ҳамкорлик-



Мушоҳада

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Табиий муҳит асосан sanoat корхоналари чиқиндилари, транспорт воситалари, иситиш тизими ва электр станциялари томонидан ифлослантирилади. Экологик вазият ва экологик мувозанатнинг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унда турли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг мавжудлигига боғлиқдир. Бу ўзгаришлар глобал, минтакавий ва муайян тарзда намойён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг табиий ҳусусиятлари айрим ҳўжалик-экологик ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг ҳар бирида атмосфера ҳавоси қанчадан ифлосланганлигини ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Атмосфера ҳавоси ҳолатининг мумкин бўлган ўзгаришларини бундай илмий баҳоратлаш асосий ҳаво оқимлари даврийлигининг аниқ ҳисобланиши, уларнинг доимий фаоллик даврлари, турбулентлик коэффициентни ва бошқа ҳисоб-китоблар тури ҳамда кўрсаткичларига асосланади. Ўзбекистонда ер юзаси атмосфера ҳавосининг ифлос-

ланиш коэффициентни муайян кўрсаткичлар доирасида ўзгариб туради. Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бу ерда sanoat корхоналари, автотранспорт воситалари қатновининг кўплиги билан боғлиқ, жумладан, Тошкентда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 80 фоизи автотранспорт туфайлидир.

Умуман, республика бўйича атмосферага ҳар йили бир неча миллион тонна турли зарарли моддалар чиқариб ташланади. Улар атмосфера ҳавосини ифлослантиришдан ташқари тупроқ, сув, ўсимлик

ва ҳайвонот дунёси ҳолатига, кишилар соғлигига катта зарар етказилади. Кейинги йилларда табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чиқарилган қонун ва дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш кучайтирилди, аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш иши фаоллашди, ишлаб чиқаришга экологик жиҳатдан тоза замонавий технологияларни жорий қилишга кўп маблағ сарфланмоқда.

А. КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси давлат нозири

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан табиат муҳофазаси амалга оширилса, табиати муҳофаза қилиш унинг соғлиғига эришилиши йўли билан инсон соғлиғи учун зарур бўлган қулай шароит яратилади. Атроф-муҳитнинг мусофолоғлиги таъминлаш шу кўннинг долзарб муаммоларидан биридир. Табиий муҳитнинг соғлиғи, барҳаётлиги узоқ кўришни таъминлайди.

Халқимизнинг пировард мақсади мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига эришиш, бу эса ҳаммамизга маълумки, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларга узвий боғлиқ ва фақат улар биргаликда ечимини топгандагина кузлаган мақсадга эришилади. Бу йўлда Чилонзор туманида бир қанча ишлар олиб

Туманларда

УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Она табиати муҳофаза қилиш, яшаб турган заминимизни сақлаш, бу — инсонларнинг соғлиғи, келажак авлодлар ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим ижтимоий масаладир.

борилмоқда. Туман ободонлаштириш бошқармаси асосан ўзига қарашли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, йўлларни таъмирлаш, санитар ҳолатни сақлаш иригирация шохобчалари, озодлиги, ва уларни сув билан таъминлаш ишларини бажаради.

Чилонзор туманидаги 79 та ишлаб чиқариши бўлган корхоналар атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларининг меъёрий ҳужжатини

ишлаб чиққан ва кўмитадан алоҳида рўхсатнома олган.

Тумандаги йирик корхоналарда 2005 йил учун режа-тадбирлар ишлаб чиқилган ва бу режалар ҳақда асосида бажарилмоқда.

Кўмитамиз тизимида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонунчилик талабларини бузилиши бўйича давлат назорати самарадорлигини оширишнинг

ташкилий, маъмурий ва иқтисодий чоралари алоҳида ўрин тутди.

2005 йилнинг 3-чорагида қонунбузарликка йўл қўйган ва табиатга келтирган моддий зарарини қоплаш учун бир қатор мансабдор шахс ва фуқароларга жарима солинди ва ундириб олинди.

2003 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан атроф табиий муҳит ифлослантирил-

гани ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўлов тизimini такомиллаштириш тўғрисидаги» 199-сонли қарори қабул қилинган.

Чилонзор туманидаги корхоналар кўмитамиз жамғармасига бу тўловларни тўлашмоқда. Ҳозирги кунда тумандаги 65 та ҳар хил фирма ва корхоналар томонидан кўмитамиз жамғармасига 6031758,01 сўм маблағ ўтказилган.

Ҳозирги кунда дунёда экологик масалалар билан шуғулланадиган кўплаб ташкилотлар таъсис этилган. Лекин табиати асраб-авайлаш фақатгина уларнинг вазифаси бўлибгина қолмай, кенг жамоатчиликнинг ишидир.

Мақтуба УМАРОВА,
давлат нозири



№ 11(163) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

Республикаимизнинг асосан тоғли туманларида ўсади. Арслонқуйруқ кўп йиллик, бўйи 50-200 сантиметр бўлади. Пояси тўрт қиррали, шохланган. Барги туҳумсимон, пояси банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси—тўртта ёнғоқча. Ўсимлик «унутилган» гиёҳ эди. Фарбий европалик гиёҳшунослар XV асрда ундан фойдаланганлар. XIX асрда ва XX асрнинг бошларида эса арслонқуйруқ қўлланилмаган.

лар уни нафақат юрак ҳа-ми сифатида, балки ўзгед касаллигида ва тутқаноқда ҳам қўллашади. Англияда у

халқ и, юрак уриши тезлашганда, йўтал сингари дардларда ишлатилиб келинмоқда. Тиббиётда ўсимликнинг ер ус-

ўсимлик олиндиб, устига 200 грамм қайноқ сув қўшилади, уй ҳароратида дамланади, совутилади ва докадан ўтказилади. Тайёр бўлган дамламадан юқорида зикр этилган хасталикларда 2 ош қошиқдан кунига 3-5 марта истеъмол қилинади. Ўсимлик настойка эса

Шифобахш гиёҳлар

АРСЛОНҚУЙРУҚ

Арслонқуйруқ русчада «пустирник», лотинчада «леонура» номи билан юртилади. Ўсимлик номи лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, «арслон думи» маъносини англатади.

неврология, истерия, юрак етишмовчилигида ва хансирашда ишлатилади. Болгарияда ўсимликдан қон тўхта-турчи восита сифатида фойдаланилади. Ўсимлик препараты қон ивиш жараёни тезлаштиради.

МДҲда бу ўсимлик асаб бузилишида тинчлатирувчи восита сифатида, юрак-томир неврозида қўлланилади. Шунингдек, қон босими ошганда (гипертония), стенокардия, кардиосклероз, миокардит, миокардиострофия, юрак иллати каби хасталикларда маълум бўла олиш хосияти бор.

Беларусь халқ табиатида ўсимлик қайнатмаси пешоб

тки қисми қўлланилади. Унинг таркибида алколоидлар, ошловчи қордалар, сапонимлар, қанд, эфир мойи, аччиқ моддалар, кверцетин, рутин, квинкелозид, А ва С дармондориси бор. Биологик таъсири жиҳатидан ўсимлик тоғ сўмбүлига яқин туради. Айрим ҳолларда арслонқуйруқда унга нисбатан 2 маротаба кўпроқ таъсир этиш хусусияти бор.

Дорихоналарда гиёҳ препаратларининг дамлама, экстракт, майдаланган ўти бўлади, буларни шифокор маслаҳати билан олиш мумкин. Ўсимлик ўти дамламаси уй шароитида қуйидагича тайёрланади: 2 ош қошиқ

25-40 томчида кунига 3 марта таомдан ярим соат олдин ичилади. Агар ўсимликни дўнана гули, ялғиз барги, тоғ сўмбүли, илдизи билан қўшиб, чой ҳолида ичилса, таъсири дардларда янада шифоли бўлади. Арслонқуйруқ, тоғ сўмбүли, балиқ мойи билан аралашмаси яхши наф беради. Бу дори юракка далда бўлиб, асаб тизими хасталикларидан малҳамдир. Шу билан бирга, қанд касаллиги (диабет), паризонхотирлик (атеросклероз)нинг олдини олади. Юрак-қон томири, тери хасталикларидан, танада моддалар алмашинувини яхшилашда даво бўла олади.

манбалари океан, денгиз, дарё, кўл, ер ости суви ва барча табиатдаги мавжуд унсурлар таркибидаги сувнинг айланма ҳаракати орқали ўзаро боғланган.

Фанда сайёраимиз — ерда ҳаёт учқунлари авваламбор сув муҳитида пайдо бўлган, деган илмий тушуنча ҳам мавжуд. Барча жонотлар қонининг таркибида ҳам сув бор. Унинг ёрдамида тирик организмларда ўлик табиатда бўлмайдиган модда алмашинуви каби жараён юз беради. Тирик организмлар вазинининг ярмидан ортинги сув ташкил этади. Сувни ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида қўлланишни бошқа ҳеч қандай табиий ресурслар билан таққослаб бўлмайди.

Улкаимиздаги оқова сувларга хонадонларимиздан қақайтган чиқиндиларни ташламаслик, аксинча доимий равишда сув атрофида ободончилик ишларини олиб бориб туриш мақсада мувофидир.

Демак, инсон учун бебаҳо ҳисобланган сув, ҳам, ўсимликлар дунёсига зарар етказмаслик мустақил ўлкаимизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслик керак.

А. МИРЗАҚОСИМОВ,
давлат нозири

Муаммо

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

Куз фасли келиши билан Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг кескин ёмонлашуви кузатилади. Бунга асосий сабаб метеорологик жараёнларнинг ўзгариши натижасида вақти-вақти билан кузатиладиган ноҳуш ҳолат ва шу фаслда хазон, шох-шаббалар ҳамда ахлат уюмларининг ўзбошимчлик билан ёқиб юборилишидир. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид ва бир қатор захарли канцероген моддаларнинг кўпайиши кузатилади. Бу ҳолда инсон нафас олиш органлари ва юрак-қон томирлари касалликларининг кескинлашувиغا, айниқса болалар саломатлигига салбий зарар етказилади.

Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда шаҳримизда атмосфера ҳавосини салбий таъсир этувчи хазонларни ёқиб натижасида ажралиб чиқадиган газларни камайтириш учун шаҳримиз туманларидаги маҳалла кўмиталари, маҳалла аҳли, мактабга таълим муассасалари, олий таълим муассасалари, корхона, ташкилот раҳбарлари шу масалага ижобий ёндашсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сабаб: дарахтлар баҳор ойида кўкариб, барг ёзиб

Ж. МАДАЛИЕВ,
тарғибот бўлими мутахассиси

Кўп қаватли уйларни киши мавсумга тайёрлаш жараёнида, уйларнинг томларини таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бу жараёнда қора мум (битум)ни очик ҳолда ёқиб эритиш қатъиян ман этилади. Қолаверса бу ҳолат табиати муҳофаза қилиш қонунларига зид ҳисобланади.

Дикқат, қора мум

ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАРЛИ

Битумни очик ҳолда ёқиб эритганда атмосфера ҳавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланади. Бу ўз навбатида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари битум очик ҳолда ёқиб эритилса, унинг сифати бузилади, яъни боғловчи элементлар ёниб битумнинг ишга яроқлилиги пасаяди. Натижада у тезда ёрилиб, чакка ўтиши холига олиб келади.

Қуришни ташкилотлари томонидан томларни битумлаш чоғида юқоридаги қоидаларга амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Файрат ҚОДИРОВ

Мушоҳаза

ТОМЧИСИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Табиатдан нотўғри фойдаланганлиги сабабли инсон унга катта зарар етказмоқда.

Жонли табиатга қўпол муносабатда бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида табиати муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган. У табиий муҳитнинг тақийлиги, ҳуқуқий ва иқтисодий негизини сақлайди ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Кўнуннинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини, экологик тизим, табиий ойлмақслар ва алоҳида объектларнинг муҳофазасини, фуқароларга ўз соғлиқларини сақлашни, уларга қулай табиий муҳит яратиш ҳуқуқларини яратишни таъминлашдан иборатдир.

Сув — бу ҳаёт манбаи. Ҳозирги кунда сувнинг танқислиги сезилмоқда, сув ресурсларини ифлослашдан муҳофаза қилиш муҳим масалалардан биридир.

Сув ўз муҳитининг ниҳоятда ҳаракатчанлиги билан табиий муҳит ва ресурслардан фарқ қилади. Табиатда сув тўхтовсиз ҳаракат бўлади. Сув ресурсларининг ҳамма

қадар танқислиги у камайгани учун эмас, балки тоза сувнинг ўзи камайиб қолганлигидан рўй бермоқда. Натижада кўп туманлардан оқиб ўтадиган кўнгина дарёлар очик канализация манбаларига айланб қолди.

Аммо сув фақат ифлосланавермайди, табиий сув ажойиб хусусиятга эга бўлиб, хоссаларини тиклай олади, ўзга тушган ифлос моддаларни чиқариб таштайди.

Лекин бундай ҳосанин маълум чегараси бор. Бора-бора сувнинг ўз-ўзини тозалаш хоссаси тўхташи ва ҳаётбахш дарё ёки кўл кўп йиллар, балки ўн ва юз йиллар давомида барча тирик мавжудот учун ҳалокатли хавф туғдирадиган ҳаётсиз оқова коллекторга айланб қолиши мумкин.

Сув ўз муҳитининг ниҳоятда ҳаракатчанлиги билан табиий муҳит ва ресурслардан фарқ қилади. Табиатда сув тўхтовсиз ҳаракат бўлади. Сув ресурсларининг ҳамма

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ноziрлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерда табиий муҳитга носоғлом таъсир кўрсатаётган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларига нисбатан жарималар солишади. Дикқатингизга ана шундай жаримачилардан бир нечтаси ҳавола этилмоқда.

Жарималар

ЭКОЛОГИЯ КUNДАЛИГИ

● Назоратчилар Шайхонтоҳур туманида жойлашган 343-болалар боччасида бўлганларида бу ерда тўпланган хазонларнинг ҳўжасизларча ёқилганлиги ҳолатига дуч келиши. Шу йўл билан табиий муҳитни ифлослантиришга сабаб бўлган боғча мудираси Н.Аскарқўжаева ҳисобига 4 минг сўм жарима ёзилди.

● Мирзо Улуғбек туманининг Улуғбек кўчасидаги 18-А уйда истикомат қилувчи фуқаро А.Эшматов табиати муҳофаза қилиш идораларидан рўхсат олмай туриб дарахт кесганини маълум бўлди. Бу ўзбошимчалик учун у 9400 сўм жаримага тортилди.

● Бектемир туманидаги янги технологияларни ишлаб чиқариш корхонасида ҳосил бўлган чиқиндилар махус ажратилган жойларда сақланмаган ва улар ўз вақтида корхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилмаган. Бу ҳолга йўл қўйган корхонанин ҳўжалик мудираси Л.Дереча 15 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

● Назоратчилар Собир Раҳимов

туманидаги «Кўзгу-Мухаббат» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиши. Бу ерда улар люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсизлантириш чоралари кўрилмаганлигини аниқлашиб, корхона раҳбари Б.Пидиев ҳисобига 9400 сўмлик жарима ёзишди.

● Чилонзор туманидаги «Тошқурилишмеханизация» корхонаси бош механиги В.Скапич корхона ҳудудидаги маший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмаганлиги учун 9400 сўм жаримага тортилди.

● Ҳамза туманидаги «Жасур коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари А.Саъдуллаев эса рўхсатсиз дарахт кестиришга йўл қўйганлиги учун 28 минг 200 сўм жарима тўлади.

● Учтепа туманидаги «Пэт пласт оил» корхонаси цех бошлиги А.Қосимов маший чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантириш чораларини кўрмаганлиги бос 9400 сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ҳозирда деярли барча хонадонларнинг ошона бисотида мавжуд бўлувчи зирворлар орасида султонлик қилувчи мурч бўлиши табиий.

Мурчининг асл ватани Хиндистон ҳисобланса-да, уни баъзида ихлоссондлар бизнинг шароитимизда ҳам етиштирадilar. Бир вақтлар мурч жуда нобъ зирвор ҳисобланиб, узоқ юртлардан машаққат билан келтирилар эди. Ўз даврида мурч бож, тўлов, солиқ сифатида олинган ва уни ҳоқон, шох, ҳукмрон синф вакиллари, га, нуфузли кишиларга жуда тансиқ ва табаррук нэмат сифатида совға қилишар эди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, 408-йилда герман қўшинлари саркарда Аларих бошичилигида Рим шаҳрини қамал этадилар. Навқирон Рим қўйин, мушкул ва ноҳор аҳволда қолади: шаҳарнинг хонавайрон бўлиб, инқирозга юз тутиши ойдинлашиб қолади. Шунда танг ҳолда қолган римликлар қоллибларни кўп миқдорда олтин, кумуш ва жавоҳирлар билан қўндирга олмай, 3000 фунт (1 фунт—409,5 грамм) мурч бериб, қутулиб қилиш чорасини топишга муяссар бўладилар.

Мазкур зирвор мурч ўсимлигининг мевалари бўлиб, махсулот ўсимлик меваларининг пастки қисми эндигина қизараётганида териб олинади. Бу пайтда ўсимликнинг устки мевалари ҳали пишман, гўра бўлади. Яхши пишман мурч офтоб тобиға қўйиб қуритилса, бўжмайиб қоқи холига қиради ва қора ранги касб этади. Ана шу ҳилда тайёрланган мурч—қора мурч деб аталади. Мабодо мурч меваси пишиб етилганидан сўнг, терилиб тайёрланса, унда оқ мурч ҳосил бўлади.

Мурч жуда қадим замонлардан бери шифобахш омил сифатида қадрланиб келинган. Абу Али ибн Сино мурч хислатлари устида тўхталиб шундай деган: «Мурч майиз билан қўшиб чайналса, ёпишқоқ балғамни қўчирди ва бутунлай йўқотади, сирка билан истеъмол этилса, тишларга фойда қилади, милкни мустаҳкамлайди. Мурчни асалга аралаштириб танглайга суртилса, томоқ оғриғига даво бўлади ва ўпқани тозалайди».

Мурч янги дафна барги билан янчилса, ел ҳайдайди, ичак оғриқларига фойда қилади. Мурчни ёғга аралаштириб суртилса, эт увишишни қолдиради. Қадимки табиблар мурчни киши чеҳрасини силлиқ, гўзал қилиш учун қўлланганлар. Жумладан, мурчни нутрунга (табиий сода) аралаштириб доғларни йўқотиш, терини силлиқ қилиш учун терига сурини тавсия қилганлар. Халқ табиатида мурчнинг хашаротлар қаққанида ёғ билан янчиб суртишган. Чунки бундай амал зарар ўткирлигини сусайтиради.

Асрлардан бери ўз хосиятлари билан таърифланиб келган, қуюқ, суюқ таомларга ўзига таъм ва лаззат бағишлайдиган, кези келганда дардга-дармонлик қилувчи мурч ҳозирга қадар ниҳоятда эъзозланади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мурчни зирвор сифатида фойдаланишда уни сувиестемол этиш керак. Ёш болалар, ҳомилдор аёллар, меъда-ичак йўлида яраси бўлган кишилар, кўтир ва эшакмеъда қалинган беморлар ҳамда бавосил дардига мубтало бўлганлар мурчдан фойдаланмасликлари лозим.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 24 октябрь сонида «Хазонларни ёқманг» деб номланган мақола чоп этилган эди. Газета ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг бошқарувчи ўринбосари С.А.Аглаев имзоси билан мактуб олди. Унда хусусан шундай дейилади:

«Газетада чоп этилган мақола Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг умумий йиғилишида муҳоқома қилинди. Туман ободонлаштириш бошқармалари ва алоқадор ташкилотлар раҳбарларига хазонларнинг ёқилишига йўл қўймасдан ўз вақтида йўл йўқотириш олиш ва уларни белгиланган жойларга тўқши бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, ҳозирги кунда бу масала юзасидан шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси қаттиқ назорат ўрнатган».

1968 йилнинг 1 февralи мен учун унутилмас кун бўлди. Худди шу кун «Тошкент оқшоми» газетасида саноат ва транспорт бўлими мудири сифатида ўз фаолиятини бошладим. Уша пайтда газетада Хайдарали Иброҳимов — бош муҳаррир ўринбосари, Турғун Авазов — масъул котиб, Уткир Ҳошимов — адабиёт ва санъат, Саъдулла Норматов — партия турмуши, Абдусамид Обидхўжаев — ахборот, Марва Жалолиддинова — фан, Машъал Ҳакимов — қурилиш, Зухра Аъзам-хўжаева — хатлар бўлиминининг мудири бўлиб ишлашарди.

Саъдулла Кароматов муҳаррир сифатида катта таърибга эга бўлган инсон эди. У «Оқшом»га келмасдан бурун «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ишлаган, у ерда оддий ходимликдан масъул котиб даражасигача бўлган йилни босиб ўтган эди. Газета ишини миридан сиригача пухта биларди. У «Тошкент оқшоми» - «Вечерний Ташкент» газеталарига муҳаррир бўлгач, собиқ иттифоқнинг марказий шахарларида қиқадиган «Оқшом» газеталари таърирларида бўлиб, уларнинг таърибасини ўрганиб келганди.

Саъдулла ака Тошкент шариоатида яхши журналист кўчада «сочиблиб» ётмаслигини яхши билар, мабодо жамоага таърибали журналист келиб қолса, уни маҳкам ушлашга ҳаракат қиларди. Бир кун «Оқшом»да ишлайдиган маҳоратли журналистлардан бири узрли сабаб билан ишдан кетадиган бўлиб қолди. Саъдулла ака унинг аризасига имзо чеккач, менинг олдимга кириб: «Ҳар бир газетада иккита-учта «бос» деса босадиган, бир пасда саҳифа, кўш саҳифа қилиб юборадиган чапдаст журналист бўлиши керак. Бу йилги ўшанақа хилидан эди. Бошқа ходимларимиз ҳали ёш, ундай бўлолмайди», деган гапни айтди.

Ушанда мен масъул котиб лавозимида ишлардим. Котибиятда уч киши эдик. Икки ўринбосарим — Раҳматилла Файзуллоев ва Абдуғани Абдуллаевлар унверситетнинг сиртки бўлимида ўқишарди. Ҳар йили улар меҳнат таътилидан ташқари, икки марта бир ойдан ўқув сессиясида бўлишарди. Газета саҳифаларини макетлаш, материалларни саралаш, биринчи саҳифага тушадиган ахборотларни таҳлил қилиш, босмаюна билан алоқа боғлаш бир ўзимга қолиб кетарди. Бундай пайтда аксарият ишга эрталаб саккизда келиб, кечқурун 9-10 да уйга қайтган пайтларим кўп бўларди.

Дастлаб мен котибиятда газетачиликнинг техник ишларини ўрганаётганимга хурсанд бўлиб ишладим. Кейин эса мени бошқа нарса ташвишлантдира бошлади. Ижод қилолмайдиган бўлишимдан, ундан олдин мен иш бошлаган «Сирдарё ҳақиқати»да тўрт йил ишлаб, анчагина мақола, очерк, фельетонлар ёздим, журналист сифатида шаклландим. Лекин ёзганларим ўша газета таҳлимида қолиб кетди. Тошкентда эса қаламқаш сифатида мени деярли ҳеч ким билмайди, деб ўйлардим ўзимча. Шундай ҳаёлларда ҳатто «Оқшом»дан кетиб, бошқа газетга ўтиб ишлашга ҳам рози эдим. Қарангки, шу орада мени «Совет Ўзбекистони» газетасига ишга тақлиф қилиб қолишди. Дарҳол рози бўлидим. Саъдулла аканинг ҳузурига кириб мақсадимни айтганим, у киши: «Сизга жавоб йўқ», деди шартта.

Мен кетиш сабабларини тушунтирмақчи бўлидим. Бош муҳарриримиз ҳатто гапларимни эшитишни ҳам хоҳламади.

— Агар ижод қилолмаётган бўлсангиз, ўзимиздаги хоҳлаган бўлимига ўтинг-да, истаганча ёзаваринг.

Мен ишдан бўшах ҳақида ариза ёзиб, масалани қонуний йўл билан ҳал қилиб кетаверишим мумкин эди. Лекин Саъдулла ака устозим, эртага яна кўз-кўзга тушади. Шунда ўзарига қандай қарайман, деган ўзбекюна андиша мени қўнади. Шу тўфайли газетада қолиб яна саноат бўлимини бошқара бошладим.

Ҳозир эса мен «Оқшом»да ўтган йилларнинг журналистик фаолиятимдаги энг сермазун, самарали йиллар деб ҳисоблайман. Шу газетада ўтган йил-

лар фақат мени эмас, балки кўпгина ҳамкасбларимни ҳам журналист ва газетачи сифатида пишириб, ижоднинг равон йўлига олиб чиқди. Собиқ «Оқшом»чилардан Уткир Ҳошимов, Александр Пуқомов, Александр Тюрков, Мурод Абдуллаев, Хабибулла Олимжонов, Абдуқодир Ниёзов, Зухра Шокирова республика миқёсидаги газета ва журналларга муҳаррир бўлишди. Муҳаммад Юсуф, Сирожидин Саййид, Насриддин Муҳаммадиев, Нормурод Норқобилов сақиз-ўнталаб китоблари чиққан ёзувчилар бўлишди. Биз мазкур газетада меҳнат қилаётганда шу даргоҳда мусахҳиқ бўлиб ишлаган Шарифа Илёсова, Дилором Икромов ва Муҳаббат Хабибуллаева, Шоира Муҳамедовалар эса бугун шу газетанинг устунлари бўлган журналистлардир.

Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф дастлаб шоир сифа-

Ушанда «Тошкент оқшоми» гуриллаб чиқиб турган, обрўси ошиб тилга тушган, газета дўконларида одамлар навбатда туриб «Оқшом»ни кутадиган давр эди. Таниқли шоирлар, адибларнинг асарлари унинг саҳифаларида тез-тез чоп этиларди.

Ҳаваскор пайтимиз, номи газета бўлса бас, ўзимизча зўр деб ҳисобланган шеърларни, сонету октаваларни, достонларни кўлтиқлаб бораверардик. Адабий ходимлар биздан безорижон бўлганди. Ҳозир ҳам ёш адиблар эшикнинг туримини бузишса ўша дамларни эслаيمان.

«Оқшом»да шеър чиқариш жуда фахрли бўлиб қолди. Ошан Шавкат Туроб омадлироқ экан. Унинг уч-тўртта шеърлари шу газетада чоп этилди. Мен ҳам ҳозирги Мустафо Камол Отатурк кўчасидаги тахририятга кирдим. Худди тўрғайдек бетиним Усмон Юсуповни (охирати обод бўлсин) илк бор шу «Оқшом»да учратганиман.

— Ха, шоир келинг, — деди у киши. — Келинг, ўтиринг шоир, — дердию ўзи қоғоздан бош кўтармасди.

Шеърларимни узатганим, олиб ўқиб чиқди. Шунчалар тез ўқидики, ўзим ҳайрон қолдим.

— Мана бу иккитаси яхшироқ экан. Имкон бўлди, бериб юборамиз, — шундай деб Усмон Юсупов яна

ишга шўнғиди. Бир оз ўтириб ҳайр деб чиқиб кетдим. Уч ойда имкон топилди чоғи «Гулдан ўрганма» деган саккизликим дунё юзини кўрди.

«Оқшом»нинг адабиёт ва санъат бўлимини худди қайнаб турган қозонга ўхшатаман. Бу қозонга пишиб этилган асар ҳам, хомроғи ҳам келиб тушаверади. Қайнайди, этилади. Одамларга манзур бўлади. Бўлимининг ўзига хос тарафлари бор, албатта. Бу бўлимда халқимизнинг ардоқли адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов ишлаган. Шу ерда «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор» сингари қисса, романларини ёзди. Шу даргоҳда турли муқофотларга сазовор бўлди.

Уткир ака кайфият кишиси эди. Бир гал шеърларим билан у кишига рўпара бўлган эдим. Етмишинчи йилларда «Ох, ўзбегим!» деган шеърлар битиш одатга айланган эди. Тажанг бўлиб ўтирган Уткир ака шеърларга кўз югуртириб, бош чайқадида, олдимга ташлади.

— Ҳой, сенга нима бўлди ўзи? Туппа-тузуқ шеърлар ёзиб турардинг. Бу нима гап?

Жуда ҳафсалам пир бўлди. Шарт ўрнимдан туриб жўнавордим. Орқамдан Уткир ака гапириб қолди.

— Туппа-тузуқ бола эди-я, ёзганларини қаранг эди.

Бунақа сўкишлардан бир-иккитасини эшитиб, жуда «хурсанд» бўлганман.

Уткир аканинг даврида бўлим жуда гуриллади. Бу бўлимда «Сумалақдан тош топган» ниҳоятда дилбар инсон Носир Мухаммад, кўриниши кўполроқ туюлса ҳам дўлвор, лекин номик чизилар устаси Нортўхта Қилич, жуда ҳам сокин адиб Гафур Хотамов, ёзганлари эл-юртга манзур, шеърлари кўшиқ бўлиб кетган Муҳаммад Юсуф меҳнат қилишган. Тиниб-тинчимас шоир, раҳматли Миртемир домла ҳақида қойил қилиб «Кўшнни кўргани келдим» китобини ёзган Отаёр Нахановнинг қалами шу даргоҳда чархланган. Шеърларида асов бедовнинг сагичини билиниб турган Сирожидин Саййид меҳнат қилган. Афғон урушларини кўрган ёш шоир Равшан Бобомухаммад ишлаган.

Бир неча йиллар давомида мен ўзим ҳам «Оқшом»да ишлаб шу бўлимин бошқарганимдан мамнунман. Зеро, ҳозирда бу жамоада ишламасам ҳам тез-тез «Оқшом»га бориб тураман. У ердаги дўстларим билан бир пийёла эҳди устида ширин суҳбат кураман. Баъзида ёзган шеърларим ёки насрий асарларимни уларга қолдириб «Оқшом»да босилишини илтимос қиламан. Мен учун ҳали ҳам шу газета энг қадрли ва қадрдон.

Темур УБАЙДУЛЛО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ишлар, тақдирлар

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЭСДАЛИКЛАР

тида «Оқшом»да ишлаб танилган. Унинг айрим шеърлари, ғазалларига прототип бўлган, уни мафтун этган «Жайрон кўзли» гўзаллар шу газетада ишлаган. Сирожидин Саййид «Оқшом»га 70-йилларнинг охирида келган. Мен билан бир бўлимда ишлаган. У шу ерда шоир ва журналист сифатида ўсиб-унди, дастлабки китобларини чиқарди, уйли-жойли бўлди. Мана ҳозир у Ўзбекистон Ҳазувилик уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишламоқда. Ёки Нормурод Норқобиловни олайлик. У дастлаб ижодини «Тошкент оқшоми»нинг саноат бўлимида жамоатчи муҳбир сифатида хат-хабарлар ёзишдан бошлаган. Кейинчалик у тахририятимизга ишга қабул қилинди. Мана бугун Нормурод Норқобилов ўндан ортиқ китоби нашр қилинган ёзувчи.

1983-84 йиллардаги пахта мавсумларида марҳум ҳамкасбим Ҳамид Икромов билан пахтазорлардан ёзган репортажларимиз ҳам ёдимдан чиқмайди. Биз Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг пахтазорларидан биринчи йили 55 та, иккинчи йили 75 та репортаж ёзгандик. Уч вилоятда биз бормаган ҳўжалик, биз юрмаган йўл кам қолганди. Биз ёзган репортажлар Абдувоҳид Хотамов таржимасида «Вечерка»да ҳам эълон қилинди. Бир мавзуда ва бир жанрда қўллаб материал ёзишнинг ўз мураккаблиқлари бор. Киши айрим фактлар, фикрларни такрорлаши мумкин. Лекин биз шундай қилмасликка ҳаракат қилганмиз. Кейинчалик Ҳамид раҳматли: «Али Назар, менимча шу репортажларимизни Гиннеснинг «Рекордлар» китобига киритса бўларов. Чунки дунёда ҳеч бир журналист бир мавзуда шунча кўп репортаж ёзмаган бўлса керак» деб қулиб гапириб юрди.

Ҳар бир инсон ўзидан боғ, даррах қолдириши керак, деган гап бор. Биз «Оқшом»чилар даррах ҳам эканмиз. Журналист Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақоласи «Ёшлик» журналида эълон қилинганидан кейин газета тахририятлари биноси олдида ҳозир барқ уриб ўсиб турган ўрикларни экканмиз. Назаримда ҳақиқий журналистнинг эккан чинорлари бўлақадир. У истеъдод ва тафаккурини, билимини сарфлаб ёзган, газета саҳифаларида эълон қилинган мақоалари, очерклари ва репортажлари ҳамда фельетонларини у эккан чинорларга ўхшатгим келади. 70-80-йилларнинг «Оқшом»чилари бундай чинорларни бисёр экишди. Навқирон давримда ўшалар сафида бўлганимдан фахрланаман.

Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Шарқ дурдоналари



ЎН БИР НАСИХАТ

Байт:

Шубҳасиз лозим ўғил,
кизга нурафшон тарбият,

Боиси бахту соадат моҳи
табон, тарбият.

Еттинчи насихат: одам-

лардан айб ахтариб юргувчи бўлманг. Узро келиша олмаб бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса бир-ровдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг. Арзиманган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг.

Илм-фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз, эсдан чиқмаслиги чорасини кўринг. Кераксиз бўлмагур сўзларни сўзлашдан тилингизини тийинг.

Ҳеч кимни ғийбат қилманг, бировага тўхмат қилишдан сақланг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бириси учраб қолса ҳолини сўранг. Уйингизга келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг. Бошингизга қайғу-алам тоғи йиқилишини истамасангиз, эзгуликдан узоқ, ёмонликка яқинроқ бўлган ярамас одамларга ёндошманг. Улар билан сирда суҳбатдош бўлманг.

Байт:

Гар ёмонлик йўлини ҳар
кимса қилса ихтиёр,
Халқ ишончин йўқ этиб,
бўлғай балоларга дучор.

Саккизинчи насихат: биз инсонларга улуг ҳаёда-ақлини улуг неъмат деб билинг, уни софлик ва қомил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуг неъматни ва бундай шариф ҳақини сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Шундай экан баъзи одамлар бордирки, бу азиз неъматини ичкилик йўлида барбод берадилар. Ақл агар олтин баробарида сотиладиган бўлсади, ҳушёр одамлар бор нарсаларини сотиб бўлса ҳам ақлга харидор бўлар эдилар. Ҳолбуки ичкиликка мубтало бўлган одамлар девоналикни сотиб оладилар.

Ичкилик ҳамма ёмонликни онасидир. Ичкиликка мубтало бўлган киши мулоимлик, поклик, омонат, сир сақлаш, тадбир ва оилани тарбия этиш гўзал хулқлардан бутунлай маҳрум бўлади. Вақт ва мол-дунёсини қўлидан бой беради, бузуқ хулқини гуноҳсиз ёш болаларга мерос этиб қолдиради. Шунинг учун бу заҳар бу оғудан аввал ўзингизни, кейин оилангизни, ҳаттоки ҳамма қариндош-уруғларингизни, таниш-билишларингизни сақлаш йўлида ғайрат қилинг ва бутун иштиҳодингизни сарф қилинг.

Байт:

Ичкилик оғу-заҳар,
ёндшомағил бўлгил
узук.

Қанчалик бўлсангиз узоқ
ундан, ўшанча яхшироқ

Тошкент Тиббиёт академияси жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан бир қанча режали тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шу йилнинг бошида академия «Овқатланиш сирлари», «Спорт эстафетаси», «Тамакига йўл йўқ» каби тадбирларни ўтказиб инсон саломатлиги учун муҳим бўлган омишларга алоҳида аҳамият берди ва тарғиб этди. Академия жамоаси касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш ва одамларни оғоҳ қилиш амалий натижа бериши мумкинлигини кенг халқ оммасига, хусусан талабалар ва шифокор мутахассисларга тушунириш йўлидан бораётганлиги эътиборга лойиқдир.



2005 — Сихат-саломатлик йили

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ҚОВОҚ САЙЛИ

Айниқса, бу тадбирлар талабалар учун берилётган дарсларнинг амалий ва кўргазмалли машғулоти сифатида қадри эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тиббиёт академияси биринчи босқичда умумий амалиёт шифокорларини тайёрлайди. Улар эса оилавий шифокор сифатида ҳар бир оилга кириб борадилар, шунинг учун ҳам умумий амалиёт шифокорлари юқори малакали врач сифатида катта салоҳият ва назарий билим ҳамда тажрибага эга бўлмоқликлари даркор.

Сихат-саломатлик йилида Тошкент Тиббиёт академияси яна бир хайрли ишга қўл урди. Академия ректори Ш.Каримов гоёси асосида маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Ш.Зокирхўжаев, иктисод-тадбиркорлик ишлари бўйича проректорлар А.Абдуфаттаев, К.Ақромов, маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Д.Хидаева, болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири, профессор Г.Шайхова, профессор С.Бахриддиновларнинг қўллаб-қувватлашлари остида «Қовоқ сайли» байрамни ўтказиш режаси юзга келди. Аввало ушбу тадбирдан рационал овқатланишнинг ташкил этишда рағбат қилинган бўлган микроэлемент ҳамда витаминлардан умумий фойдаланишни талабаларга амалда ўргатиш мақсади қўзланди. Маълумки, қовоқда инсон учун керакли бўлган ўзига хос оқсиллар, витаминлар, ферментлар, тузлар, ёғлар йўғун бирлашганлиги туфайли осон ҳазм бўлади, тез сингади. Шу туфайли ҳам қовоқ болалар ва касаллар учун энг мақбул парҳез таом ҳисобланади.

Қовоқнинг эти ҳам, шарбати ҳам, уруғлари ҳам жуда фойдали. Бу сабазвотдан овқат тайёрлашнинг дунёда минг хил усули бор.

Шифокорларнинг кузатишларига кўра қайси мамлакатда қовоқ ҳар куни истеъмол қилинса, ўша мамлакатда узоқ умр кўрувчи инсонлар кўп бўлар экан. Қовоқ одамларни подагра, атеросклероз ва саратон касалликларидан сақлашни ҳам фанга маълум. Бундан ташқари, қовоқ инсон организмда қариш фаолиятини сушайтириш имкониятига эга.

Шу тариха Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси қовоқ шифокорлар учун энг яхши беназар ёрдамчи эканлигини тушунган ҳолда биринчи республика қовоқ сайли байрамини ўтказдилар. Бу байрамда қовоқ сабазвотига тааллуқли бўлган илмий-амалий маълумотлар, кўргазмалар, қовоқдан тайёрланган турли таомлар намуналари ва уларни янгиқа тайёр-


лаш усуллари кўрсатилди ва улар «Қовоқ-табиб» номи билан «Тиббиётнома» академия газетаси ва «Қовоқ таомномаси» сифатида кўп нусхада нашр этилди. «Тошкент» телеканали ва «Оқшом» газеталари сайилнинг ахборот кўмагини амалга оширдилар.

Энди бевосита сайилнинг ўзига тўхта-ладиган бўлсак, унда Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш, стоматология, тиббиёт педагогикаси ҳамда олий маълумотли ҳамширалар факультетлари, 1, 2 ва 3-клиникалари жами еттига жамоаси, пойтахт Тиббиёт академиясининг Бухоро, Фарғона ва Урганч филиаллари, Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти, Андижон тиббиёт институти жамоалари иштирок этишди. Барча олий ўқув юртлири жамоалари қовоқдан тайёрланган таомлар рецептлари ҳамда улардаги минераллар ва витаминлар миқдорини кўрсатувчи кўргазмалли паннолар ташкил этишди. Талабалар шу хусусдаги махсус плакатларни тайёрлашди. Хилма-хил танловлар, жумладан, дастурхонларни безаш-санъати, қовоқдан тайёрланган таомларнинг хилма-хиллиги, ширқовоқ тайёрлаш танловлари уштирилди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси қовоқдан 98 хил таом тайёрлаб ушбу танловда голибликни қўлга киритган бўлса, дастурхонни безаш бўйича Тошкент Тиббиёт академияси стоматология факультетига тенг келадиганлар топилмади. Қовоқлар танловида эса энг катта қовоқ 30 килограмм тош босди.

Ширқовоқлар танлови, айниқса, қизиқarli кечди. Бунда 8 та жамоа ўз ре-цептлари бўйича қозонларда мазали ширқовоқ тайёрлашга ҳаракат қилишди.

— Бор маҳоратимизни ишга солиб мазали ва кўриниши чиройли ширқовоқ пиширишга ҳаракат қилдик, — дейди Тошкент тиббиёт академияси клиник фармакология кафедраси ходими Дилфуза Ақбарова. — Бунда кафедрамиз мудири А.Еқубов бошлиқда энг пазанда шифокор-мураббийларимиз ўз маҳоратларини кўрсатишди. Пиширган таомимиз танловда учинчи ўринга лойиқ топилганидан хурсандимиз.

—Икки тонна ошқовоқ олиб келиб, шу ерда ҳар хил таомлар тайёрлаб, кўриқдан ўтказдик, — дейди Андижон тиббиёт институти вакили Одиложон Қодиров. — Шунингдек, қовоқнинг турли шифобахш хусусиятлари акс этган 4 та плакатларимизни намойиш этдик. Бир сўз билан айтганда, академия ташаббуси билан жуда



ибратли тадбир ташкил этилибди. Бундай фойдали сайилларни тез-тез ўтказиб туриш керак, албатта.

Ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, Республика Ёш томошбинлар театрининг «Қовоқвой ва чаноқвой» спектаклидан ижро этилган лавҳалар, академиянинг «Адреналин» ижодий гуруҳи иштирокида кўрсатилган қовоқ ҳақидаги ҳангомалар, лотерея, викторина уйинлари, фарғоналик аскиячилар Мамасиддик Ширяев ва Ҳотамжон Ҳакимжоновларнинг ичакудзи пайровлари сайилга ўзгача фойз бахш этди.

— Қовоқни ота-боболаримиз неча юз йиллардан буён истеъмол қилиб келишди, — дейди қизиқчи Мамасиддик Ширяев. — Шу академияда ишлаётган профессор-ўқитувчиларга раҳмат, илк бор шундай улкан сайилни ташкил этишда жуда хайрли ишга қўл уришибди. Зеро, бу ерда қовоқнинг жуда кўп ўзимиз билмаган хислатларини кашф этдик. Ошқовоқнинг согликни мустаҳкамлашига яна бир бор аям бўлди. Биз халқни кулдирадим. Маслаҳатимиз шуки, ошқовоқ еб қулсак сихат-саломатлигимиз икки баравар кўп мустаҳкамланади...

Сўзимизни мухтасар қилиб айтганидан бўлсак, «Қовоқ сайли» давомида қовоқнинг инсон ҳаёти учун муҳим сабзавот эканлиги алоҳида уқтирилиб, унинг шифобахшлик хусусиятлари, фойдали томонлари амалда намойиш этилди.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган «Қовоқ сайли» тадбирдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

КАТИФАЛАР

Бир кишининг тиши ўлардек оғриб, тиш дўхтирининг хузурига борди. Тиш дўхтири унга узоқ вақт қараб туриб шундай дермиш:

— Эсингдами, Зокир, б-синфда тишимни уриб синдирганинг?!

— Сен мен учун энг қимматлисан, — деди эр хотинига.

— Вой ўлмасам, машинангизни сотиб юбордингизми, дейман, — деди хотини хавотирланиб.

Бир хасис ака-ука бор эди. Бир куни акаси узоққа кетиб, бир йилдан кейин қайтиб келса, укаси соқол қўйиб олибди.

— Ха, нега соқол қўйиб олдинг? — деб сўрабди акаси.

— Устарани олиб кетганингиздан кейин нима қилай? — дермиш укаси.

— Дадаси, сиз ҳам бундоқ совоқ гаплардан гапирмай, иссиқроғидан гапирсангиз бўлмайми?

— Пустин! Бўлдимми?

— Дадаси, айтингчи қани, кечаси қарда эдингиз?

— Ие, ким айтди, ишонма, ёлгон, умуман ишонма!

— Ойи, ҳовлига чиқиб, Азим билан ўйнасам майлими?

— Йўқ, у ёмон бола...

— Ундай бўлса чиқиб уни бир уриб келсам майлими?

Подшо кўнгилхушлик қилиш учун Афандини дархат олдида қўйди-да, камондан ўқ узавериб, унинг қўйлагини илма-тешиқ қилди.

— Афанди кўрмади, унга янги қўйлак беринглар, — деди подшо ниҳоят.

— Иштон ҳам беринглар, — деди Афанди йилғамсираб.

Хотин кечки овқатни шўр қилиб юборди.

— Одам бир йилда фалон кило туз ейиши керак экан, — деди билагонлик билан хотин.

— Яхши, лекин бир кунда бўлмаса керак, — деди эр афтини буриштириб.

Икки қўшни суҳбатидан:

— Қўшни, ҳўрозингизни саришта қилинг. Бизни товуқларни қўйиб юрибди.

— Сиз ҳам товуқларингизга айтиб қўйинг, ҳўрозимга қараб кўзларини қисиймасин.

— Дада, сиз ишга бориш учун будилниксиз ҳам тура оласизми?

— Албатта ўғлим, тура олам.

— Қандай яхши бўлди-я, мен будилникимизни «Ширибом»га алмаштирган эдим.

Унаштирилган йигит ва қиз учрашибди.

Йигит: Сизни кўрмасам, жоним, жинни бўлиб қолай даяпман.

Қиз: Озгина сабр қилинг, тўйдан кейин бир йўла ҳақиқий жинни бўласиз.

Африка саёҳатида бўлиб қайтган киши:

— Мен шу нарсага амин бўлдимки, одамни бир ҳовуч тупроқдан яралган дейишади, лекин бир бўлак кумирдан ҳам яралган экан, — деди.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгазининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.
Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Спорт

ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

Бокс бўйича ҳаваскорлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатлари доимо энг кучли чарм кўлқоп усталарини ўзига жамлаши сабабли, унда голлиб чиқиш ва совриндорлар сафидан ўрин олиш фақат иқтидорли ва техник жиҳатдан кучли боксчиларгагина насиб этади. Юртимиздан Руфат Рискиев, Мухаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Уткирбек Хайдаров каби кўплаб жаҳон чемпионларининг етишиб чиққани ўзбек бокс мактабининг шонли аъёналаридан дарак беради.

Хақиқатан ҳам кейинги йилларда бирор бир жаҳон чемпионати йўқки, унда мамлакатимиз спортчилари совриндорлар сафидан ўрин олмаган бўлса.

Хитойда ташкил этилган навбатдаги XIII жаҳон чемпионати ҳам одатга кўра 87 мамлакатдан келган саккиз юздан ортиқ ҳаваскор спортчилар иштирокида кучли рақобат остида ўтганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўн битта вазн тоифасида ўтказилган чемпионат баҳсларида олти нафар чарм кўлқоп устамиз чорак финалга йўланма олганлиги албатта мухлисларимизни хушнуд этди. Бироқ ҳал қилувчи баҳсларда спортчиларимизга бир оз омад кулиб боқмади. Боксчиларимиз ўртасида энг юқори натижани эса 64 килограммгача вазнда баҳс юритган Дилшод Махмудов кўрсатди. У ярим финалда кубалик жуда кучли рақиб — Инносенте Карбаллосунни енгишга муваффақ бўлган бўлсада, финал баҳси Дилшод унчун жуда қийин кечди. Ушбу жангда қозогистонлик рақиб Серик Сағиевнинг қўли баланд келгани ҳолда, Дилшод Махмудов кумуш медал соҳиби бўлди.

Мутахассисларимиз 81 килограммгача вазнда рингга чиққан, бугунги кунда ҳаваскор боксчиларимиз ичида энг катта ютуқларни кўлга киритган Уткирбек Хайдаровга ҳам катта ишонч билдиришганди. Бироқ бу гал ҳам ярим финалда боксчимиз қозогистонлик спортчи билан ўтказилган баҳсда «қоқилиб», бронза нишони билан кифояланди.

91 килограммилар ўртасида беллашган Ёшумидли спортчимиз Жасур Матчонов ҳам ярим финал тўсиғиндан ўта олмай, совринли учинчи ўринга кўтарилиди. Ўйлаймизки, ушбу иқтидорли боксчимизнинг барча галабалари хали олдинда.

(Ўз мухбиримиз)

Ўқушбола

ГОЛЛАРГА БОЙ БЕЛЛАШУВ


Ўзбекистон Кубоги ярим финалга йўланма олган «Пахтакор» жамоаси азалар рақиб «Навбахор» билан Наманганда дастлабки учрашувни ўтказди.

Очигини айтганда, ҳар сафар хоҳ чемпионат баҳси, хоҳ биллур соврин учун учрашув бўлсин, «Пахтакор» ва «Навбахор» ўртасидаги тўқнашувлар муросасиз кечади. Бир сўз билан айтганда мухлислар ҳаяжонли футбол спектаклининг гувоҳи бўлишади.

Бу сафар ҳам Наманганда кечган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг биринчи учрашуви шиддатли курашлар остида ўтди. Аслида шуни таъкидлашга тўғри келади.

Ҳар сафар Ўзбекистон Кубоги баҳслари мухлисларга кутилмаган натижаларни тақдир этган. Энди учрашув ҳақида икки оғиз сўз. Майдон эгалари ҳам, мамлакат чемпиони ҳам очик, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишти. Ҳар иккала жамоа майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Буни дастлабки голли дарвозага «Пахтакор» ҳужумчиси Соломин 22-дақиқада киритганлиги ҳам яққол исботлайди. Наман-

Истиклол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор тўғрисида бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақалари ҳамда кўплаб бошқа нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилиб келмоқда.



Спорт

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИНИ КУТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни беқийсдир. Бугунги кунда ушбу турмаъно сўзларнинг исботини амалда кўряпмиз. Хусусан, истиклол йилларида боксчилардан Мухаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Уткир Хайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашичи Дилшод Орипов, Александр Доктуровилари, эркин кураш усталари Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла Тангриев, спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина жаҳон ва китъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида голибликни кўлга киритиб, юртимиз дунёнинг дунёга ёйди.

Жорий йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Тошкентда яна бир йирик спорт тадбири — кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари сингари курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг самараси ўлароқ, ўзбек кураши халқаро микёсда жадал ривожланмоқда. 1998 йил 6 сентябрда ташкил этилган Кураш халқаро ассоциациясига (КХА) бугун 77 мамлакатнинг кураш федерацияси аъзо.

КХА тузилганига эндигина етти йил тўлган бўлса-да, ўтган давр мубайнида у халқаро майдонда ўз мавқеини мисли қўрилмаган даражада юксалтира олди. Ўзбек курашининг янги спорт тури сифатида шиддат билан оммалашуви, умуминсоний кадриятга айланиши жаҳон спорт оламидаги улкан воқеадир.

Кураш қондасига кўра, полвонлар ҳаракати «Таъзим», «Кураш», «Ҳалол», «Енбош», «Чала», «Фирром» каби ата-малвар билан аталади. Қувончли жиҳати, айна пайтда жаҳон халқлари ўз лугатларини мазкур ўзбеккона сўзлар билан бойитдилар.

Америка, Африка, Европа, Осиё ва Океаниа китъасида ўзбек кураши бўйича минтақавий конфедерациялар ташкил этилган. Мазкур китъа мамлакатларида кураш бўйича жаҳон ва китъа чемпионатлари, нуфузли халқ-

аро турнирларни мунтазам ўтказиш аънъанга айланди.

Яқинда КХА штаб квартирасига Лондон шаҳридан яна бир хушхабар келди. Буок Британия Кураш ассоциацияси ташаббуси билан Англияда курашга бағишланган махсус сайт очилди. Унда кураш тарихи, нуфузли турнирлар ҳақида ранг-баранг маълумотлар ва фотосуратлар ҳам берилган. Миллий курашимизни тарғиб этувчи бундай сайтлар Япония, Бразилия, Канада, Эрон, Жанубий Африка Республикасида ҳам очилгани кишига гурур бағишлайди.

Катталар ўртасида ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати 1999 йили мамлакатимизда ташкил этилган эди. Сўнг бундай чемпионатлар 2000 йили Туркияда, 2001 йили Венгрияда, 2002 йили эса Арманистонда ўтказилди.

Айна пайтда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш халқаро ассоциацияси ташаббуси билан ўтказиладиган бешинчи жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, навбатдаги мусобақада иштирок этиш учун юртимизда етмишга яқин мамлакатдан 400 нафар полвон келиши кутилмоқда.

Мусобақада таникли ўзбек полвони китъа чемпиони Абдулла Тангриев, 1998 йил мамлакатимизда Президент соврини учун ўтказилган илк халқаро турнир ва 2000 йил Туркияда ўтган жаҳон чемпионати голибли туркиялик Селим Тотар ўғли, Осиё чемпионати ва халқаро турнирлар совриндори эронлик Саид Хесриви Нежат каби номдор полвонлар гиламга чиқади. Беллашувларда спортчилар эркалар ўртасида саккиз, хотин-қизлар ўртасида эса тўққиз вазн тоифасида куч синашади.

Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциацияси ва Ихроия қўмитасининг йиғилиши ҳамда VI Конгресси ўтказилади.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
ЎЗА мухбири

ганликлар эса жавоб тўпини 37-дақиқада Султоновнинг аниқ зарбасидан сўнг йўллашди. Бир сўз билан айтганда мухлислар шу кунги 8 та голнинг гувоҳига айланмишди. Жанговар 4:4 ҳисобидаги дуранг билан якунланган ушбу ўйинда дарвозаларга тўлғарли «Пахтакор»дан Соломин /2 та/, Байрамов, Абдуллаев, «Навбахор»дан Султонов /2 та/ Крушельницкий ва Жабборовлар киритишга муваффақ бўлишди.

Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг «Пахтакор» — «Навбахор» ўртасидаги тақрибий учрашуви Тошкентда БУГУН ўтказилади. Ушбу учрашувда галаба нашидасини сурган жамоа 26 ноябрь кунги «Нефчи» билан Биллур соврин соҳиблиги учун кураш олиб боради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

БИЛИМЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ КУНИ 24 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Мунажжимларимиз бугунги кунни ўқиб, олинган билимларни чуқурроқ эгаллаб бориш учун қулай деб тавсифлашган. Сирли билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш учун ҳам бугунги кун хайрли ҳисобланаркан. Сехрли рамзлардан фойдаланган ҳолда ўз келажагининг олдиндан билиб олиш имконияти ҳам бор. Бунинг учун рамзларни ўрганиш керак бўлади.

Бугунги кун, шунингдек, уй ишлари, хоналарни йиғиштириш, кир ювиш каби юмушларни бажариш, ўзаро ёзишмалар, кўнмас мулкдан ташқари бошқа буюмларни алмашлаш учун ҳам қулай келиши кутилади. Мехмон кутиш мумкин. Аммо ҳар қандай сафарлар, ички аъзоларда жароҳлиқ операцияларини амалга ошириш бугун омадли бўлмайди.

Ошқозон-ичак йўллари бугун заифлашган ҳолатда бўлиши кутилади. Овқатдан заҳарланиш эҳтимоли бор.

Кийимлардан яшил ранглилари бугун омадли бўлади. Қора ва зарғалдоқранг либосларингизни узокроққа суриб қўйинг.

Бугун:

— бошлаб қўйган бирон-бир ишингизни ниҳоясига етказинг;

— муғомбирлик, чапдастлик ва қаққонлигингизни намойён этинг;

— омадли, бахтли ҳодиса юз беришига ишонаверинг;

— ўқув юртлари, тажриба-синов лабораториялари ва илмий муассасалар ходимлари билан мулоқотда бўлинг;

— агар манфаатли туюлса — кичик харидлар қилинг;

— уй-рўзгор оид, техника ва кундалик муаммоларингизни ҳал этиш чорасини кўринг.

Янги ишни бошлашни тавсия этмаймиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali» навбатдаги кимошди савдоларини 2005 йил 24, 26, 29 ноябрь ва 1, 3, 6, 10, 13, 15, 17, 20, 22, 24, 27, 29, 31 декабрь кунлари ўтказиши.

Кимошди савдоларига яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонлари /мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан/ қўйилган:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Курувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 8, 9, 10, 11, 12 сонли ер майдонлари қўйилмоқда.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 807520 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Курувчи» даҳасида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган 13-сонли ер майдони.

Бошланғич нархи — 403 760 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйлариинг пойдеворлари эгаллаб турган ҳар бирининг сатҳи 0, 03 гектар бўлган қуйидаги манзилларда жойлашган ер майдонлари:

«Спутник-1» мавзеси 58- ва 61-уйлар орасидаги; «Спутник-9» мавзеси 11 ва 12-уйлар орасидаги; «Спутник-9» мавзеси 7- ва 8-уйлар орасидаги; «Спутник-9» мавзеси 31-уйи ёнида.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 342 720 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аризалар қабул қилиш савдолари учун кун аввал тўхташилди.

Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади. Савдолар ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдориди зақалат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хона.

Телефонлар: 136-15-29, 144-44-72.

144-44-73, 136-28-75.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма тўбқ обфест услулби босилмади.
2495 нусхада босилди. Қўроғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сенанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-тиббат ақсардорлик компанияси босмоқносо.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.